Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби
Санъатшунослик йўналиши 2 курс 4-семестр талабалари учун
Ўзбек хореография санъати тарихидан маъруза
Ўқитувчи: Низамутдинова Мадина

№ 9 Мавзу: Гулнора Маваева

Раққоса ва балерина, Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Маваева 1931 йилда Самарқандда туғилган. 1941 йилда Тамарахоним номидаги балет мактабини, 1951 йилда Москвадаги катта театр қошидаги хореография билим юртини, 1971 йилда Санкт-Петербургдаги хореография билим юртининг педагоглар курсини тугатган бўлса, 1945-1949 ва 1951-1957 йилларда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрида солистка бўлиб ишлади. Гулнора Маваева Опера театрида ишлар экан, устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоевадан ўзбек рақс санъатининг нозик сирларини ўрганди, Уста Олим Комилов, Тамарахонимларнинг қимматли маслаҳатларига қулоқ солди, Ҳалима Носирова ва Саодат Қобуловалардан сўз санъатининг сеҳрини ўрганди. «Улар билан сафарда бўлиш ғоят қизиқарли эди, — деб ҳикоя қилади Гулнора Маваева. Менга ўзбек қўшиқларидаги ҳар бир сўзнинг асл маъносини эринмасдан тушунтириб берардилар. Бу эса сўзга мос ҳаракат топишимга ёрдам берарди. Улардан мен ўзбек санъатини чинакам севишни ўргандим».Раққоса опера театри саҳнасида Оврўпа, рус ва ўзбек балетларида асосий партияларни моҳирона ижро этди. Жаҳоннинг мумтоз дурдоналари «Жизель», «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», «Эсмеральда» каби асарларидаги, шунингдек, «Боқчасарой фаввораси», «Бахт қирғоғи», «Момақалдироқ изидан», «Маскарад» каби спектакллардаги, «Оқбилак», «Гуландом», «Ойниса», «Кашмир афсонаси» каби балетлардаги бош партиялар санъаткорни элга танитди ва шуҳрат келтирди. Унинг бу партияларни ихлос билан ижро этишини кўрган бастакор Георгий Мушель ўзининг «Балерина» асарини унга атаб ёзган эди.Г. Маваева ўзбек миллий рақсларини нозик ва ёқимли тарзда ижро этган истеъдодли раққоса сифатида «Катта ўйин», «Пилла», «Фарғона усули», «Шўх қиз», «Завқим келур»,

«Уйнасин», «Эй сарви равон», «Оразбон лазгиси» ва бошқа рақсларни залга манзур қилиб ижро эта билди. Раққоса Давид Ойстрах, Георг Отс, Дмитрий Башкиров, Людмила Лядова, Арам Хачатурян, Рашид Бейбутов каби машҳур санъаткорлар билан кўпгина хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек рақс санъатининг нодир дурдоналарини кўз-кўз қилди. 1953 йилда Бухарестда бўлиб ўтган ёшлар ва талабалар Жаҳон фестивалининг биринчи мукофоти ва «Олтин медал»ига сазовор бўлди.Г. Маваева 1971 йилдан педагоглик соҳасига ўтиб, аввал Тошкент хореография билим юртида, 1974 йилдан Тошкент Маданият институтида, Тошкент хореография институтида Оврўпо мумтоз рақсларидан сабоқ бериб, Маъмура Эргашевага ўхшаш истеъдодли раққосаларни тарбиялаб вояга етказди.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

Санъатшунослик йўналиши талабалари

2 курс 4 семестр

Педогог: Низамутдинова М.А

Мавзу: Муҳитдин Қори Ёқубов

Ўзбек хонандаси, опера артисти, театр арбоби, ўзбек мусиқали театри асосчиларидан бири Муҳитдин «Туркистон Республикасининг биринчи халқ ҳофизи», «Ўзбекистоннинг биринчи халқ ҳофизи», «Ўзбекистон халқ артисти» унвонлари соҳиби.

Биринчи ўзбек хонандаси, опера артисти, театр арбоби, ўзбек мусиқали театри асосчиларидан бири Муҳитдин Қориёқубов 1896 йилда Фарғона вилоятида туғилган. У санъат соҳасидаги ўз ижодий фаолиятиии 1916 иилда Фарғонада биринчи миллий духовой оркестр ташкил қилишдан бошлаган. 1918—1921 йиллар мобайнида Ҳамзанинг «Улкан сиёсий сайёр группаси»да актёр, хонанда, режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб, Ҳамзанинг бир нечта ашулаларини ва унинг «Бой ила хизматчи»сида Солиҳбой, «Фарғона фожиаси»да Фотиҳ, «Туҳматчилар жазоси»да Қосимжон ролларини илк бор ижро этган.

Ҳақиқий актёр, режиссёр бўлиш учун яхши билим ва малака кераклигини тушунган М. Қориёқубов 1922— 1924 йилларда Москва Давлат театр санъати институти (ГИТИС)нинг вокал бўлимида таҳсил олиш билан бирга атоқли рус театр ва мусиқа арбоблари В. Э. Майерхольд, А. И. Южин, Н. А. Обуховалар билан учрашувларда, улар билан қилинган суҳбатларда, улар қатнашган концертларда Тамарахоним билан иштирок этиши, бўлажак санъаткорнинг келгусида ижодий ютуқларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

М. Қориёқубов ва Тамарахонимлар 1925 йилда Парижда ўтказилган Жаҳон амалий санъати кўргазмасида илк бор ўзбек қўшиқларини ижро этиб, чет эл томошабинларининг олқишига сазовор бўлди ва махсус мукофот билан тақдирланди. Сўнгра Берлинннинг Шуберт залида Талабалар иттифоқи ташкил қилган концертда ўзбек миллий ва вокал қўшиқ номерларини ижро этиш билан бирга Берлин Мусиқа академиясида ноёб фонографик ёзувларни тинглади.

1926 йилда биринчи Ўзбек Давлат концерт-этнографик дастасини ташкил қилган М. Қориёқубов Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов,

Тўхтасин Жалилов, Аҳмад Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Жўрахон Султоновлар билан мамлакат бўйлаб гастролда бўлди. Андижон ва Қўқон мусиқали театрларининг ташкил топиши ҳам М. Қориёқубов номи билан боғлиқ.

1927—1928 йилларда бу театрларда у бадиий раҳбар, режиссёр сифатида ишлаб, ўзи саҳналаштирган Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима»сида Неъмат, Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»ида Фарҳод, У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон»ида Султонбек ролларини ўйнади.М. Қориёқубов этнографик ансамбль заминида биринчи Ўзбек Давлат мусиқали театрини ташкил этиб, 1929—1932 йилларда шу театрда актёр, бадиий раҳбар ва директор бўлиб ишлади.

М. Қориёқубов опера ва балет театрини ташкил қилишда ҳам жонбозлик кўрсатди ва ўзбек опера студиясининг ташкилотчиси бўлди. Ўзбек Давлат опера ва балет театри очилгач, 1939—1947 йилларда шу театрда етакчи актёр сифатида мухлисларга танилди.

Е.Брубиловскийнинг «Эр Тарғин» операсида Эр Тарғин, М.Ашрафий ва С. Василенконинг «Бўрон»ида генерал-губернатор, Т. Содиқов, Р. Глиэрларнинг «Лайли ва Мажнун» операсида Новфал, О.Чишконинг «Маҳмуд Торобий» операсида Маҳмуд Торобий, А. Козловскийнинг «Улуғбек»ида Улуғбек каби бош ролларни ижро этиб, ўзбек театрида опера санъатининг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбек Давлат филармонияси ташкил этилишида ҳам М.Қориёқубовнинг хизмати бениҳоя катта бўлиб, санъаткор 1936—1950 йилларда филармониянинг директори, бадиий раҳбари сифатида ишлаб, ўзбек мумтоз мусиқасини тарғиб қилувчи ашула ва рақс дастаси, хор капелласи, халқ чолғу асбоблари ансамбли каби бир қатор ансамбларни тузди.

М. Қориёқубовнинг концерт ижрочилик репертуари жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, халқ ашулаларидан «Шаҳноз», «Девачи», «Ғайра-ғайра», «Олмача анор», «Ҳосилим» ашулаларини, шунингдек, Тамарахоним билан бирга «Билакузук», «Қора соч», «Қамчин бегим», «Илила ёр», «Қани-қани қизлар». «Ёр нималар девдим сизга» каби лапарларни зўр завқ-шавқ билан ижро этди.

Бу ашулалар ҳамон ўз қадр-қимматини йўқотмай, санъат мухлисларига эстетик завқ бахш этиб келмоқда.

М. Қориёқубов мазмунли умрини, бутун онгли ҳаётини ўзбек мусиқали театрини ташкил этиш, ўзбек мумтоз мусиқасини тарғиб қилиш ва уларнинг равнақига бағишлади. Унинг серқирра ва сермазмун ижоди муносиб тақдирланди.

1923 йилда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси Муҳитдин Қориёқубовга «Туркистон Республикасининг биринчи халқ ҳофизи» унвонини берди. 1929 йилда «Ўзбекистоннинг биринчи халқ ҳофизи», 1936 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига сазовор бўлди.

Муҳитдин Қориёқубов 1957 йил 20 февралда Тошкент шаҳрида вафот этди. Ўзбек Давлат филармонияси унинг номи билан юритилади.

Ўзбекистонда мусиқали, опера ва балет театрлари, концерт-ижрочилик даставаларининг ташкилотчиси, истеъдодли актёр ва моҳир хонанда сифатида ном қозонган бетакрор истеъдод соҳиби Муҳитдин Қориёқубов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2000 йил 25 августдаги Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби
Санъатшунослик йўналиши талабалари
2 курс 3 семестр
Педогог: Низамутдинова М.А

Мавзу:Розия Каримова ҳаёти ва ижоди.
(1916 -2010)

Розия Каримова ўзбек балет актрисаси, раққоса, балетмейстер ва хореограф.

Ўзбек балет актрисаси, раққоса, балетмейстер ва хореограф Розия Каримова 1916 йилда Қозонда туғилган. Самарқанддаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театри студиясида таълим олиб, 1930 йилдан шу театрда ўз фаолиятини бошлади ва лирик рақслар билан бир қаторда драматик ролларни ҳам ижро этди.

Анорхон (К. Яшин, «Ўртоқлар», 1932), Асал (К. Яшин «Гулсара» 1935), Осиё (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон», 1936) каби образлар актриса ижодининг илк маҳсулидир. Шундан сўнг, 1934—1949 йилларда Тошкентдаги мусиқали театрда, 1949—1953 йилларда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрида Гуландом (Е.Брусиловский, «Гуландом»), Оқбилак (С. Василенко, «Оқбилак»), Фраскита (Ж.Бизе, «Кармен»), Кумуш (М. Ашрафий, С. Василенко, «Бўрон») каби партияларни ижро этиб, «Ўртоқлар», «Бўрон», «Гулсара», «Улуғбек», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби опера асарларидаги рақсларни саҳналаштирди ва ўзи улардаги ёлғиз (яккахон) ўйинларни ўйнади.

Шунингдек, Комил Яшиннинг «Ўртоқлар» операсидаги рақсларни Олма ота театрида саҳналаштирди. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театрида балетмейстер, 1935—1960 йилларда шу театрда яккахон раққоса бўлиб, «Нурхон», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», «Тоҳир ва Зуҳра», «Офтобхон», «Оқ нилуфар», «Зафар» ва бошқа бир қатор спектакллардаги рақсларни саҳналаштирди ва улардаги яккахон рақсларни моҳирона ижро этди.

Розия Каримова «Андижон самоси» (ялла), «Катта ўйин», «Гул ўйин», «Сафти уфори» ва бошқа миллий рақсларни ҳам ниҳоятда нозик дид ва нафислик билан ўйнаган катта истеъдод соҳибидир. У Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар ансамбли сафида 1942 йилда Эронда, 1943 йилда Шимоли-ғарбий фронтларда бўлиб, маданий хизмат қилди.

У нафақат истеъдодли раққоса, балки моҳир педагог ва рақс санъатининг назарий, амалий масалалари билан жиддий шуғулланган йирик тадқиқотчи олима ҳамдир. 1932 йилдан Ўзбекистон Давлат хореография билим юртида педагог, 1964 йилдан Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида илмий ходим сифатида ўзбек рақс санъатининг муҳим масалалари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб «Фарғона рақслари», «Бухоро рақслари», «Равия Отажонова рақслари», «Баҳор» ансамбли рақслари», «Доира зарбларига машғулот», «Ўзбекистон рақслари» каби ўндан ортиқ китоблар ва ўқув қўлланмалар, мақолалар яратди. Розия Каримова кўплаб раққосаларни тарбиялашдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Бернора Қориева Ўғилой Мухамедова, Раъно Низомова, Иброҳим Йусупов, Дилафруз Жабборова, Шокир Аҳмедов, Дилбар Абдуллаева, Карима Узоқова, Сивиля Тангуриева, Инна Киркова, Муҳаббат Абдуллаева, Қодир Мўминов каби раққоса ва раққослар унинг шогирдларидир.

Унииг бу хизматлари эътиборга олиниб, мустақиллигимиз шарофати билан унга фахрий санъатшунослик доктори (номзоди) илмий даражаси берилган.

Розия Каримова «Ўзбекистон халқ артисти» (1950) унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти (1983), Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот (1994) соҳибидир. Шунингдек, 1998 йилда у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Ижро этган образлари:

- **Анорхон (К. Яшин, «Ўртоқлар», 1932);**
- **Асал (К. Яшин «Гулсара» 1935);**

• Осийо (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон», 1936);

• «Нурхон»;

• «Фарҳод ва Ширин»;

• «Равшан ва Зулхумор»;

• «Тоҳир ва Зуҳра»;

• «Офтобхон»;

• «Оқ нилуфар»;

• «Зафар»;

• «Андижон самоси» (ялла);

• «Катта ўйин»;

• «Гул ўйин»;

• «Сафти уфори».

Яратган ўқув қўлланмалари:

• «Фарғона рақслари»;

• «Бухоро рақслари»;

• «Хоразм рақслари»;

• «Равия Отажонова рақслари»;

• «Баҳор» ансамбли рақслари»;

• «Доира зарбларига машғулот»;

• «Ўзбекистон рақслари»;

• «Ўзбек аёллар якка рақслари».

Унвонлари:

• «Ўзбекистон халқ артисти» (1950);

• Ўзбекистон Давлат мукофоти (1983);

• Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот (1994);

• «Эл-йурт ҳурмати» ордени (1998).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авдиев Е. И. «Қадимги шарқ тарихи», Тошкент, 1965.
2. Абдуллаев Н. «Санъат тарихи», жилд 1, Тошкент. 1987.

3. Брунов Н. И. «Очерки по истории архитектуры» Т. 1. Архитектура Египта, Москва—Ленинград, 1947.

4. Всеобшая история архитектуры, Т. (1 под.редакцией Б. П. Михайлова): М. 1958.

5. Всеобшая история архитектуры в 12 томах. Т., Москва, 1966.

6. Всеобшая история искусств в 6 томах, Т. 1. М., 1956.

7. Гуляницкий Н. Ф. Архитектура гражданских и промышленнн зданий в 5 томах. Т., 1. История, архитектура. М., 1984.

8. Бунин А. В. Саваренская Т. Ф. История градостроительного искусства. Т. 1. М., 1979.

9. Ткачев В. Н. История архитектуры. М., 1987.

10. Матьев М. Э. Искусство Древного Египта. М., 1970.

11. Рубинштеин Р. И. В гостях у Хунумхотепа (рассказь е древнеегипетских художниках, скульпторах и мастерах). М., 1970.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

Санъатшунослик йўналиши табалари

2 курс 4 семестр

Педогог: Низамутдинова М.А

Мавзу:Уста Олим Комилов

(1875-1954)

Йигирманчи аср ўзбек доирачилиги санъатининг йирик намояндаларидан бири Уста Олим Комиловдир. Уста Олим Комилов созанда, ўзбек рақс санъатининг асосчиларидан бири. Санъаткор Раҳим Исахўжаев, Тўйчи Иноғомов, Ғофур Солиҳов, Дадахўжа Соттихўжаев, Убай Хўжаев, Ғофур Иноғомов, Муҳаммаджон Муллажонов каби доирачиларни тарбиялаб вояга етказган мехрибон устоз ҳамдир. Болалигидан машҳур доирачилар, марғилонлик Масаид ота, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновларга шогирд тушган Уста Олим Комилов бугунги замонавий доира ижрочилигининг якканавоз услубини мукаммал даражада ишлаб чиққанлиги билан ҳам санъатимиз тарихида қолган.

Уста Олим Комилов 1875 йилда Марғилонда туғилган. Санъатга ҳавас уйғонгач, шу ерда Мажид ака ва Масаид оталардан доира чалишни ўрганди. Йиллар ўтиб Марғилон ва унинг атрофида доирачи сифатида таниларкан, халқ уни ҳурмат қилиб, Уста Олим деб атай бошлади. 1918

йилда Марғилондаги корхоналарда тўгараклар ташкил этиб, чойхоналардаги ва атроф қишлоқлардаги концертларда иштирок этди.

Санъаткор Раҳим Исахўжаев, Тўйчи Иноғомов, Ғофур Солиҳов, Дадахўжа Соттихўжаев, Убай Хўжаев, Ғофур Иноғомов, Муҳаммаджон Муллажонов каби доирачиларни тарбиялаб вояга етказган меҳрибон устоз ҳамдир. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Гавҳар Раҳимова каби етук рақҳосалар уни ўзларига устоз деб билдилар ва фахрландилар. Чунки Уста Олим бу санъаткорларга миллий ўзбек рақси асосларини ўргатиб, замонавий рақс мактабини яратишларига замин ҳозирлаган эди.

Таниқли созанда, Устоз санъаткор Уста Олим Комиловнинг ўзбек рақс санъатидаги хизматлари 1932 йилда «Меҳнат Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган. 1937 йилда эса Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасидан сўнг «Ўзбекистон халқ артисти» унвонини олади. Фарғона канали қурилишида ўзининг доира шодиёналари билан одамларни меҳнатга чорлайди. Уста Олим Комилов Ўзбекистон доирачиларининг пири устози ҳисобланади. Буни Ғофир Иноғомов, Қаҳрамон Дадаев, Одил Камолхўжаев, Талҳат Сайфуддинов, Дилмурод Исломов сингари доирачилар мамнуният билан гапиришади.

1926 йилда Муҳиддин Қори Ёқубов ташкил этган фольклор-этнографик концерт труппасига қабул қилинган ва Тамарахоним билан ижодий ҳамкорликда «Катта ўйин», «Пилла», «Гул ўйин», «Садр», «Занг» каби қадимий ўзбек рақсларини саҳналаштириб, уларнинг айримларини рақҳосалар дастаси ижросига мослаштирди. Ёш созанда нафақат мамлакатимиз, балки шу труппа билан Москва, Санкт-Петербург, Баку, Волга бўйи шаҳарларда ва бир қатор хорижий давлатларда ҳам гастроль сафарларида бўлиб, ўз санъати, ўзбек санъатининг асл намуналарини катта муваффақият билан намойиш этди ва ҳурмат-эътибор қозонди. Ўша даврда республика пойтахти бўлмиш Самарқанд шаҳрига оиласини кўчириб

келади. Турмуш ўртоғи Бегимхон ўзи билан синглиси Нурхон Йўлдошхўжаевани ҳам бирга олиб келади. Нурхон санъат соҳасида ишлай бошлайди. Бир йилдан сўнг Марғилонга қайтишганда, Нурхон акаси томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Бу фожиа бутун республика санъат аҳлини ларзага солади. Бу ҳақда мусиқали драмалар саҳналаштирилган, шеър ва қўшиқлар яратилган. Уста Олим Комилов машҳур санъаткор Тамарахоним труппасида узоқ йил фаолият кўрсатиб, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида санъатини намойиш қилган.

Ўттизинчи йилларда у унутилган халқ усулларини тўплаш устида иш олиб борди ва изланишлари самараси ўлароқ "Доира дарси" ва "Қўш қарс" деб номланган тўпламларни яратди.

1930 йилда Москвада ўтган санъат олимпиадасида Уста Олим Комилов ва Тамарахоним ижро этган лапарлар томошабинларни лол қолдирди.

Унинг ижросидаги халқ доира усуллари Акбаров, Успенский, Романовскаялар томонидан ёзиб олинганки, унинг ижро услуби, зарблар жилвадорлиги ҳамда тембр воситаларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

1935 йил Англия пойтахти Лондон шаҳри. Дунёнинг турли бурчакларидан икки мингдан ортиқ рақс усталари иштирок этган Лондонда ўтган жаҳон халқлари фестивалида ҳам қатнашдилар. Навбат Ўзбекистонлик санъаткорлар Тамарахоним ва Уста Олим Комиловларга берилади. Уста Олим чалган доирага Тамарахоним «Пилла» рақсига тушиб томошабинларни лол қолдирадилар. Қарсаклар ости¬да ижрочилар яна саҳнага таклиф қилинади. Бу сафар «Пахта» рақси ижро этилади. Томошабинлар оёқларида қалқиб туришиб, иккала санъаткорни олқишлашади. Бутун томошагоҳни ларзага келтирган, гумбурлаган чилдирма овозини Лондонликлар биринчи бор кўришлари ва эшитишлари эди. Уста Олим Комиловнинг бетакрор доира овози эди. Рақсдан сўнг олдинги қаторда

ўтирган Буюк Британия қироличаси Мария Ложалон саҳнага чиқади. Уста Олимнинг чилдирмасини қўлига олиб кўради. Бу доира созидан юракни тўлқинлантирувчи садо чиқарган панжаларни мўжиза деб атайди. Ушбу мўжизакор панжалардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишга фармон беради. Ўзбек санъаткорларига қойил қолган қиролича ўз қўли билан Уста Олим Комилов, Тамарахонимга фестивал олтин медалини тақиб қўяди. Уста Олим Комиловнинг бу панжа нусхаси ҳозиргача Лондон музейида сақланмоқда. 1875 йилда Марғилонлик оддий тўқувчи оиласида дунёга келган Уста Олим Комилов шундай буюклик даражасига етган санъаткордир.

Уста Олим Комилов 1939 йилдан Ўзбек Давлат Опера ва балет театрида доирачи, рақс студиясида муаллим бўлиш билан бирга "Фарҳод ва Ширин", "Гулсара" каби мусиқали драмалардаги чиқишлари, Москвада бўлган ўзбек санъати Декадасида (1937) ижро этилган «Сайил ва колхоз тўйи» инсценировкасини яратди ва Рославецнинг «Пахта», Талнинг «Шоҳида» балетларини саҳналаштиришда фаол иштирок этди.

Яқинда Бухоро маданият коллежида Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комилов хотирасига бағишлаб ташкил этилган кўрик-танловда машҳур санъаткорнинг ҳаёти ва фаолиятига назар ташланган. Унинг ўзбек мусиқа санъатига қўшган ҳиссаси эътироф қилингани ҳолда яратган асарлари ижро этилган.

Уста Олим Комиловнинг санъатимиз равнақидаги ўрни доира зарблари ва усулларини нотага солгани билан беқиёс аҳамият касб этади. Шу боис унинг бой меросини ёшларимиз ўрганишлари, пухта ўзлаштиришлари учун кўрик-танловлар ташкил қилиниши катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳақиқий санъат умрибоқийдир.

Ёшлигида арава тузатувчи устага шогирд тушади, 12 ёшдан бошлаб Масаид отадан чанг ва доира чалишни ўрганади. Лекин доирага бўлган ҳавас унга кўпроқ илҳом келтирар эди. Натижада доира созининг устаси бўлиб етишади.

Ҳозирда Марғилон шаҳридаги адабиёт ва санъат музейида устознинг кийимлари, шахсий буюмлари, орден ва медаллари ҳамда Лондон томошабинларини лол қолдирган чилдирмаси сақланмоқда. Машҳур санъаткор Уста Олим Комилов юртдошлари қалбига абадий муҳрланган. Марғилон шаҳридаги кўчалардан бирига, Фарғона шаҳридаги 1-болалар мусиқа мактабига унинг номи берилган. Устозлар чироғи асло ўчмагай.

Уста Олим Комилов 1953 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.